



2017 йил 6 март

№ 459-қ

**Ер участкаси ажратиш ва  
қурилишга рухсат бериш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, Ер кодекси"нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧДК бош лойиҳа-қидирув институтининг 2016 йил 09 сентябрдаги №1191/07 сонли келишув ҳақи, Самарқанд вилояти табиғатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 7 мартдаги №479-сонли экологик экспертиза хулосасини, "BURONOV ABDUJALIL SAFAROVICH" хусусий корхонаси томонидан Нурабод тумани Жарқудук маҳалласи ҳудудидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биносини қуриш учун 0,20 гектар ер майдонини ажратиш беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман хокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли қарорининг асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 майдаги далолатномаси ва тўқилган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "BURONOV ABDUJALIL SAFAROVICH" хусусий корхонасига Нурабод тумани Жарқудук маҳалласи ҳудудидан туман хокимлиги захирасида бўлган ер майдонига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биносини қуриш учун 0,20 гектар ер майдонини ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 майдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. "BURONOV ABDUJALIL SAFAROVICH" хусусий корхонасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириги) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га "BURONOV ABDUJALIL SAFAROVICH" хусусий корхонаси томонидан тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. "BURONOV ABDUJALIL SAFAROVICH" хусусий корхонасига уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

